

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

**SURXONDARYODA
ILM VA FAN**

**THE KNOWLEDGE AND
SCIENCE IN
SURKHANDARYA**

**ЗНАНИЯ И НАУКА
В СУРХАНДАРЬЕ**

№1/(02)2021

Termiz-2021

Muassis:
TERMIZ DAVLAT
UNIVERSITETI

**SURXONDARYODA
ILM VA FAN**

Ilmiy-innovatsion jurnal

**Jurnal har chorakda
bir marta chop etiladi.**

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi
Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligining
2020-yil 19-oktabrdagi
№1123 raqamli guvohnomasi
bilan ro'yxatga olingan.

Jurnal "TERDU
NASHR-MATBAA
MARKAZI"
bosmaxonasida
chop etildi.

Bosishga ruxsat etildi:
28.03.2021.
Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.
Bosma tabog'i: 10,0.
Ofset bosma.
Ofset qog'ozi. Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma № 1

ISSN-2181-175x
E-ISSN-2181-1733 TerDU, 2021

Bosh muharrir: A.R.Maraximov
Bosh muharrir o'rinbosari: A.U.Sattarov
Bosh muharrir o'rinbosari: X.X.To'rayev
Mas'ul kotib: M.J.Buzrukova

TAHRIR HAY'ATI:

Fiz-mat.f.d., prof. X.Imomnazarov (Rossiya)
Tarix f.d., prof. Sh. Vohidov (Tojikiston)
Tarix f.d., prof I.Atsushi (Yaponiya)
Falsafa f.d., prof. Sh. Samatov (O'zbekiston)
Sots.f.d., prof. D.A.Arslan (Turkiya)
RFA akad. kimyo f.d., prof. S.M.Aldoshin (Rossiya)
Fiz-mat.f.d., prof. N.M.Dobrovolskiy (Rossiya)
Fiz-mat.f.d., prof. K.B.Sobitov (Rossiya)
Fiz-mat.f.d., prof. Z.X.Raxmonov (Tojikiston)
Fiz-mat.f.d., prof. M.Mirsaburov (O'zbekiston)
Ped.f.d., prof. S.U.Bichurina (Rossiya)
Biol. f.d., prof. C.P.Gaponov (Rossiya)
Q.x.f.dok., prof. M.H.Aramov (O'zbekiston)
Q.x.f.dok., dots. F.B.Musayev (Rossiya)
Iqtisod f.dok., prof. I.A.Elevoy (Belarus)

Tahririyat kengashi:

Fiz-mat.f.d., dots. Ch.B.Normurodov (O'zbekiston)
Tarix f.d., dots. E.A.Qobulov (O'zbekiston)
Falsafa f.n., dots. R.I.Norliyev (O'zbekiston)
Falsafa f.n., dots. N.Berdiyev (O'zbekiston)
Kimyo f.d. R.V.Aliqulov (O'zbekiston)
Fiz-mat. f.d., dots. I.Allakov (O'zbekiston)
Fiz-mat. f.d., prof. Ch.S.Saidov (O'zbekiston)
Geogr. f.n., dots. Q.A.Allanov (O'zbekiston)
Psix.f.n., dots. X.G.Sharafutdinova (O'zbekiston)
Biol. f.n., dots. A.Sh.Xurramov (O'zbekiston)
Biol. f.n., dots. A.M.Begmatov (O'zbekiston)
Tex.f.n., dots. A.O'.Qo'ziyev (O'zbekiston)

Izoh: jurnal tahrir hay'atining to'liq a'zolari ro'yxati www.terdu.uz web sayti sahifalarida e'lon qilingan.

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyati Termiz shahri, Barkamol avlod ko'chasi,
43-uy, telefon: (376) 221 74 55. Faks: (376) 221 71 17. E-mail: termizdu@umail.uz

TARIX

ИБРАГИМОВ Р.

Тошкент воҳасининг бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг
ўрганилиш тарихи 41

ОЧИЛОВ А.

Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар..... 45

УМАРОВ И.

Вопросы связанные с конной игрой купкари в горных
кишлаках Байсуна и Кухитанга 50

ЙЎЛДОШЕВ А.

Тожикистонда ўзбеклар сони ва уларнинг тарқалиши тарихидан
(1925-1930 йиллар)..... 59

FALSAFA

БЕРДИЕВ Н.

Философская концепция Алишера Навои о любви и семье 62

FILOLOGIYA

BUZRUKOVA M.

Mahmudxo'ja Behbudiy faoliyatining bugungi kun uchun ahamiyati xususida 70

6. Воронец М.Е. Отчет археологической экспедиции Музея истории Академия наук УзССР о раскопах погребальных курганов первых веков н.э. возле ст. Вревская в 1947 г.//Труды Музея история народов Узбекистана, вып. I. Ташкент, 1951.
7. Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Растовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. Ташкент «Фан», 1972.
8. Тереножкин С.А. Клад андроновских бронзовых предметов из с. Бричмула близ Ташкента, СА № 3, М.-Л., 1962.
9. Рахимов С. Стоянка эпохи бронза Серкали. //ЎИФ, №6, Ташкент, 1970.
10. Древности Чарвака.Ташкент, 1976.
11. Дуке Х. Новая стоянка эпохи бронзы Ташкентской области. ЎММТ,15-нашр, Ташкент, «Фан», 1979.
12. Алимова Д.А., Филанович М.И. История Ташкента. Ташкент «ArtFlex», 2009.
13. Исломов У.И, Баратов С.Р., Алимов К. Археологические работы в Паркентском, Бостанлыкском и Ахангаранском районах Ташкентской области. //Археологические исследования в Узбекистане в 2001 году. Самарканд 2002.
14. Максудов Ф.А., Ильясова С.Р. Куюн-поселение эпохи поздней бронзы-раннего железа в Ташкентском оазисе. ЎММТ, 40-нашр, Самарканд, 2018.
15. Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. «Известия УзФАН», 1940 №9.
16. Григорьев Г.В. Краткий отчет о работах Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. Ташкент, изд. «ЎзФАН», 1940.
17. Тереножкин А.И. Каунчи-тепа. «Известия Уз ФАН СССР» . № 8, Ташкент, 1940.
18. Тереножкин А.И.Согд и Чач. КСИИМК, вып. XXXIII. М.-Л.,1950.
19. Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени Ташкентском оазисе. ЎММТ №10, Ташкент «Фан», 1973.
20. Спришевский В.И.Археологические памятники на берегах Ташкентского моря//История и археология Средней Азии.Ашхабад, 1978.
21. Буряков Ю.Ф., Алимов К., Бурякова Э.Ю. Исследования в зоне Туябугузского водохранилища.// «Археологические открытия» 1972 года», М., 1973.
22. Буряков Ю.Ф. Раскопки в зоне Туябугузского водохранилища // ЎИФ, 1973, №1.
23. Дуке Х.Туябугузские поселение бургулюкской культуры. Ташкент. «Фан» 1982.
24. Дуке Х.Бургулюкская культура. // Древности Туябугуза. Ташкент «Фан», 1978.
25. Буряков Ю.Ф Бассейн среднего Яксарта в древности и раннем средневековье // Городская культура Бактрии - Тохарисгана и Согда. Ташкент,1987.
26. Алимов К., Буряков Ю.Ф., Дуке Х. Древности Туябугуза. Ташкент. «Фан» 1978.

БУХОРО ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛК АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Очилов А.¹

Аннотация. Бухоро воҳасининг узоқ ўтмиши, қадимги давр тарихи, шаҳарнинг вужудга келиши ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар учрамаслиги сабабли, Бухоронинг қадимги даврлардаги тарихини аниқ ва равшан ёритишда археологик тадқиқот ишлари жуда муҳим жиҳат ҳисобланади. Воҳада археологик изланишлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кечроқ бошланган бўлсада, диққатга сазовор тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, XIX аср охири - XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада Бухоро воҳасида археологик тадқиқотларнинг бошланиши, XX аср бошларида ҳудудда олиб борилган тадқиқот материаллари ва уларнинг натижалари илмий, қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, археологик тадқиқотлар, Пойкент, В.В.Бартольд, Н.Ф.Ситняковский, Р.Пампелли, А.А.Зимин.

Аннотация. В связи с многовековой историей Бухарского оазиса, историей античности, происхождение города не упоминается в письменных источниках. Археологические исследования

¹ Очилов Алишер Тўлис ўғли, БухДУ докторанти

очень важны для точного и ясного раскрытия истории Бухары в древности. Хотя археологические раскопки в оазисе начались намного позже, чем в других частях Средней Азии, были проведены замечательные раскопки, особенно в конце XIX - начале XX веков. Поэтому в данной статье дается научный и сравнительный анализ начала археологических исследований в Бухарском оазисе, материалов исследований, проведенных в регионе в начале XX века, и их результатов.

Ключевые слова: Бухарский оазис, археологические исследования, Пойкент, В.В.Бартольд, Н.Ф.Ситняковский, Р.Пампелли, А.А.Зимин.

Annotation. Due to the long history of the Bukhara oasis, the history of antiquity, the origin of the city is not available in written sources, archeological research is very important in accurately and clearly revealing the history of Bukhara in ancient times. Although archeological excavations in the oasis began much later than in other parts of Central Asia, remarkable excavations were carried out, especially in the late 19th and early 20th centuries. Therefore, this article provides a scientific and comparative analysis of the beginning of archeological research in the Bukhara oasis, the research materials conducted in the region in the early twentieth century and their results.

Keywords: Bukhara oasis, archeological researches, Poykent, V. V. Barthold, N.F. Sitnyakovsky, R.Pumpelly, A. A. Zimin.

Бухоро ўтмиши тарихий ва тадрижий воқеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлсада, аммо унинг зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса, воҳанинг узоқ ўтмиши, қадимги давр маданияти, антик ва илк ўрта асрлар тарихи ҳақидаги аниқ маълумотни ёзма манбалардан билиб олишимиз имконсиз. Шу сабабли, Бухоронинг қадимги даврлардаги тарихини ва маданиятини ёритишда археологик тадқиқотлар жуда муҳим жиҳат ҳисобланади.

Бухоро воҳасида илк археологик изланишлар XIX асрнинг охирида, аниқроқ қилиб айтганда 1896 йилда ҳарбий топограф Н.Ф.Ситняковский Бухорога келиб, бир қатор археологик ёдгорликларни суратга олиш ва уларни тавсифлаш билан бошланади. Тадқиқот воҳанинг асосан ғарбий ва шарқий қисмларида олиб борилади. Н.Ф.Ситняковскийнинг бу тадқиқотлари, уни Бухоро воҳасида бевосита археологик кузатувлар олиб борган биринчи тадқиқотчига айлантирди. У жойларни хариталаш жараёнида бутун воҳа бўйлаб учрайдиган обидаларга ҳам қизиққан. Воҳадаги қишлоқлар, ариқлар, тепаликлар тарихий архитектура ёдгорликлари - масжид, мадраса, хонақоҳ, намозгоҳ, сардобаларни харитага тушириб борган. Бухоро воҳасини илк ўрта асрларда ўраб турган, уни атрофдаги кўчманчилардан ҳимоя қилган Кампирак деворини биринчи марта топографик хариталарга туширган. Н.Ф.Ситняковский кўрган ва текширишлар олиб борган вақтда девор албатта дастлабки кўринишда эмасди. Айрим жойларда 80 см дан 1 м ва 1,20 см ча бўлган узун тепалик ҳолида эди. Буни харитага тўғри белгилаш олимдан катта билим ва маҳорат талаб қиларди [1].

Туркистон археологик ҳаваскорлар тўғараги-

нинг 1896 йилги мажлисида Н.Ф.Ситняковский Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап соҳилларида жойлашган Кампир девор қолдиқлари, Шаҳри вайрон, Абу Муслим, Ганчхона, Хазора каби тепалар, Жумабозор ҳудуди яқинидаги икки аҳоли манзилгоҳи, Зиёвуддин қалъаси, Пойкент харобалари, Узулишкент, Кумушкент, Зандана ва Ромитан каби жойларнинг умумий жойлашуви ва ҳолати хусусида атрофлича маълумот берган.

1887 йил И.Т.Пославскийнинг Кўҳна Пойкентга ташрифи чоғида берилган маълумотларига асосланиб [2], Н.Ф.Ситняковскийнинг Пойкент археологик ёдгорлигида олиб борган ишлари алоҳида ажралиб туради. Пойкент ҳудудида тадқиқотлар ўташ жараёнида Н.Ф.Ситняковский Мансур ибн Нух (961-976) ва Нух ибн Мансур (976-997) даврларида зарб қилинган 6 та кумуш танга топади. Н.Ф.Ситняковский ўз тадқиқотлари ҳақида 1896 йил 11 декабрда Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги аъзоларига баён қилади ва шу йилнинг ўзида ўз “Ҳисобот”ини эълон қилади [3].

XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро воҳасида археологик қазималар амалга оширилган. Хусусан, 1903 йилда Пойкент ёдгорлигининг харобаларини Карнеги институтининг геологи Рафаэл Пампелли бошчилигидаги экспедиция ўрганган [4]. Р.Пампелли Пойкентдаги тадқиқотлари натижасида Н.Ф.Ситняковскийнинг фикрларини тасдиқлайди, шаҳар деворининг қолдиқларини ва топилган сопол қувурларнинг ишлатилиш мақсади хусусида ўзининг дастлабки фаразларини билдиради. У “Пойкент эразмиздан олдинги асрларда ҳам жуда бой шаҳар бўлиб, сувсизлик сабаб у заволга юз тутган, ҳозирда шаҳарнинг Арк ва унинг деворлари қум босиши арафасида”- деб такидлайди [5].

1910 йилларда Бухоро воҳасидаги археологик ёдгорликларда Туркистон археологик ҳаваскорлар тўғараги котиби Л.А.Зимин ҳам тадқиқот ишларини олиб боради [6].

Л.А.Зимин воҳадаги тадқиқотларини Пойкент, Варахша, Ромитан қўргони ва турли археологик ёдгорликларда кузатув ишларини олиб боришдан бошлайди. Тадқиқотлар давомида Л.А.Зиминни Пойкент харобалари қизиқтириб қўяди ва асосий тадқиқотларини шу археологик ёдгорликка қаратади. Л.А.Зимин Пойкентга илк ташрифида ҳудуд яхши сақланганлигини алоҳида таъкидлаган эди. У дастлабки изланишларни топографик ўлчов ва ҳатто глазомерик усулида расм олишдан бошлайди.

Л.А.Зимин тадқиқотлари давомида Пойкент ҳақидаги хитой манбалари, араб сайёҳларининг асарлари, маҳаллий манбалар ва XIX асрларда ёзилган Н.Хаников, В.В.Бартольдларнинг шаҳар хусусидаги маълумотларини ўқиб, таҳлил қилди. Ёзма манбалардаги маълумотлар билан тўлиқ танишиб чиққандан сўнг, дастлабки археологик қазув ишларини олиб бориш кераклигини таъкидлаган. Л.А.Зимин шаҳарнинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмидаги девор қолдиқларини ўрганиб сопол, шиша, темир буюмлар билан бирга кумуш танга намуналарини ҳам топиб ўрганган [7]. Тангалар таҳлилида Л.А. Зимин А.К. Марков, Н.Ф. Ситняковский ва В.В. Бартольдларнинг фикрларини ҳам инобатга олган.

Пойкент харобалари араблар босқинига қадар мавжуд бўлганлиги, Сомонийлар даврида (IX-X асрларда) ривожланиб, Қорахонийлар даврида (XII асрда) эса ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги хусусидаги тахминини илгари сурган. Бу тахминни Пойкентда олиб борилган кейинги археологик тадқиқотлар ҳам ҳақиқат эканлигини исботлади.

Л.А.Зимин 1913 йилги изланишлари якуни бўйича ўзининг қуйидаги хулосаларини билдирган:

1. Кўҳна ёки Кўнё Пойкент харобалари номи остидаги ҳудуд ўрта асрлардаги тарихий Пойкент шаҳри эканлигини тасдиқлаш мумкин.

2. Шаҳарни сув билан таъминланиш тарихини ўрганиш билан боғлиқ текширишлар олиб бориш режалаштирилган, аммо қум уюмининг кўплиги бу фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилган.

3. Келгусида шаҳарнинг айрим қисмлари, айниқса, шаҳристон қисмида текшириш ишлари олиб бориш шаҳар ичининг аниқ топографик чизмалари ва шаҳар деворининг қай даражада қадимий эканлигини аниқлаш имконини беради [8].

Л.А.Зиминнинг Пойкентдаги изланишлари 1914 йилда икки маротаба амалга оширилган текширув ишлари доирасида давом этди.

Л.А. Зиминнинг бу йилги фаолияти Пойкентдаги мавжуд хоналарни очиш натижасида қўлга киритилган маълумот ва ашёвий далиллар асосида амалга оширилган эди. Бу ҳол ўз навбатида олимга сопол буюмларни бир неча турларга ажратиш ва ўрганиш имконини берди. Жумладан, 1. Бир хил рангли (қизил, оч сариқ ва кумуш каби ранглардаги), безакли; 2. Фақат бир хил рангли безаксиз сополлар. 3. Ҳар хил рангли, расмли ва ёзув намуналари мавжуд сополлар ва ҳ.к. Шундан келиб чиқиб, олим биринчи гуруҳга кирувчи буюмларга - сув ва дон маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган кўза ва хумлар, иккинчи гуруҳга эса ликопча, дастали пиёла (чашка) ва қалин дастали кўзалар тегишли эканлиги тўғрисида ўз хулосаларини беради. Топилмалар ичида темир буюмлар ҳам мавжуд эди. Улар қаторида катта қалпоқли ва араблар даврига оид деб тахмин қилинган мих қолдиқлари ҳам учрайди. Изланишлар натижасида ўқилиши қийин бўлган тангалар ҳам аниқланган. Шунингдек, суякдан ясалган икки тугма, қандайдир буюмнинг даста қисми ва тақинчоқлар ҳам топиб тадқиқ этилган [9].

Л.А. Зимин бундай буюмларни профессор Р. Пампелли томонидан Анау ёдгорлигида топилган буюмлар билан ҳам таққослайди. Олим расм ва ёзув намуналари акс эттирилган нафис буюмларни ҳам гуруҳларга ажратиш мумкинлигини таъкидлайди. Улар оч ва тўқ сариқ, кўк ва тўқ жигарранг бўлиб, араб, паҳлавий ёзувидаги рақам ва ҳарфлардан иборат эканлигини кўриб, уларни А. А.Семёновга тақдим этади. У эса бу буюмлар Сомонийлар давлати даврига тааллуқли эканлиги хусусида ўз фикрини билдиради.

Л.А. Зиминнинг баҳорги археологик кузатув ишларининг яна бир аҳамиятли жиҳати, бу қалин ва ингичка шаклга эга шиша буюмларнинг топилиши эди. Бу буюмлар хусусида Л.А. Зимин мутахассис А.П.Ростковский билан маълумот алмашган. А.П. Ростковский топилган ингичка шиша буюмлар тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи эканлиги, қалин бўлаклари эса шу ҳудудда шиша буюмлар тайёрланганлигини ва улар тайёр маҳсулотдан ортиб қолган шиша қолдиқлари эканлигини таъкидлаган [10].

1917 йилда Россия империясида кечган кескин ҳаракатлар, февраль инқилоби ва бошқа сиёсий жараёнлар воҳадаги археологик изланишлар олиб боришда тўхталиш қилишни тақозо этди.

1920 йил октябр ойининг бошида Бухорога академик В.В. Бартолд, Тошкент шаҳар кутубхонаси директори Э.К. Бетгер ва археолог В.Л. Вяткинлар таркибидан иборат илмий комиссия келади. Ушбу комиссия Бухорода антик давр ва санъат ёдгор-

ликларини ҳимоя қилишни ташкиллаштиради. Илмий гуруҳ Бухоро кутубхонасини яратади, унда шарқ кўлғемаларини тўплаш ва рўйхатга олиш ишлари олиб борилади [11]. Натижада Бухоро тарихига доир бир қатор қимматли маълумотлар акс эттирилган махсус нашрлар эълон қилинди. В.В. Бартольд Россия фанлар академияси ва Россия Моддий маданият тарихи академияси илмий журналларида экспедиция ҳақида ўз маърузаларини тезкорлик билан чоп этади.

1925 йил В. В. Бартольд Бухорога келганда уни шаҳар обидаларининг ғарибона аҳволи, шаҳар дарвозалари тарихий номларининг ўзгартирилганлиги жуда ачинтирди ва “Правда Востока” газетасида “Бухоро ёдгорликлари ва уларнинг тақдири” номли ўз мақоласини эълон қилди. 1927 йил В.В. Бартольд томонидан ёзилган “Туркистон маданий ҳаёти тарихи” асарининг “Бухоро” боби Бухоронинг чор Россияси ярим мустамлакасига айланиши тарихи ёзилган [12].

В.В.Бартольд асарларида Бухоро ва унинг атрофидаги исломгача мавжуд бўлган будда, зардуштийлик ибодатхоналари, араблар истилоси даврида уларнинг масжидларга айлантирилиши, Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси ва топонимикаси, қадимги шаҳристон дарвозалари Бухоро шаҳрининг шаклланиш эволюцияси тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

1923-1924 йилларда профессор Д.А.Морозов томонидан Бухорога саёҳат уюштирилади ва Бухоронинг Эски шаҳар қисми режаси тузилади. Шунингдек, Эски Бухоро атрофларининг харитаси тузилган бўлиб, унда аҳоли пунктлари, ариқлар, саройлар ва ёзги ҳовлилар туширилади. 1923 йилда Бухоронинг турли ёдгорликларининг 67 фотосурати олинади. Худди шу йилда И. Умняков шаҳарнинг тарихий топографияси билан шуғулланган. 1925 йилда академик В.В.Бартольд ва археолог В.Л.Вяткин яна илмий мақсадлар учун Бухорога келишади. Бухоро ёдгорликларини ҳимоя қилиш комиссиясини тузади ва унга ёрдам бериш учун тегишли кўрсатмалар беради. Бошқа бир экспедиция (И.И. Умняков, муҳандис М.М. Логинов) кейинчалик Бухоро ва Карманада ишлади. Собиқ амир саройларини рўйхатдан ўтказилиб, ўлчовлари олиниб суратга туширилади. Ва ниҳоят, Бухорога биринчи санъатшуносларнинг экспедицияси бўлиб ўтади. Унга Борис Петрович Денике (Москва давлат университети профессори) бошчилик қилди. Совет даврида Бухорога оид манбаларни алоҳида тадқиқотлари ўтказилади. В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, Б.П. Денике ва И.И. Умняков, маҳаллий ўлкашунос М.Ю.Саиджоновлар Бухоронинг тарихий топографияси бўйича араб тилидаги маъ-

лумотларни танқидий кўриб чиқишнинг дастлабки муаллифларидан эдилар [13].

Ўрта Осиё қадимияти қўмитаси (Средазкомстатис) асосчилари орасида профессор А.А. Семенов (1879-1958) ҳам Ўрта Осиёнинг кўплаб тарихий асарларини таржима қилган энг йирик шарқшунослардан бири бўлган. А.А. Семенов шарқ кўлғемалари, миниатюралари, амалий санъат асарларини, айниқса Бухоро хонлигининг турли даврларига оид маъмурий тузилишини ўрганишда кенг қўламли масалаларни ёритиб берган. Бухоро ҳудуди тарихини, айниқса хонлиқнинг ижтимоий тузилиши масалаларини ўрганишда А.А. Семенов катта ҳисса қўшди. Унинг тарихий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлашдаги иштироки ушбу ташкилотнинг бевосита вазифаларидан ташқари, ўрта асрлар Ўрта Осиёдаги феодал тузумни бутун тарихий ўрганишга йўналтирилган эди [14].

Меъмор Борис Николаевич Засипкин (1891-1955) ва 1925-1933 йилларда Бухоро қадимияти ва санъат қўмитасини бошқарган таниқли тарихчи ва археолог В.А. Шишкинлар ҳам Бухоро ва унинг ёдгорликларини ўрганишда катта ҳисса қўшадилар. В.А. Шишкин Бухоро ёдгорликларининг тарихий топографияси бўйича биринчи китобнинг муаллифи бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин. Шунингдек, у қадимий шаҳарнинг янги биноларида олиб борилган археологик кузатувларга оид бир қатор мақолалар нашр этади [15]. 1924 йилда Бухорога уюштирилган экспедициясида қадимий шаҳарнинг кўплаб ёдгорликларини суратга олган машҳур архитектор ва архитектура назарийчиси, профессор М.Я. Гинзбург ҳам иштирок этади [16].

1924 йилда М.Я. Гинзбург экспедицияси Сомонийлар мақбарасини ўрганади ва иш режасини тузади. 1925 йилда ушбу мақбара гумбазининг таъмирлаш ишлари М. Ю. Саиджанов томонидан амалга оширилади. 1926 йилда В.Л. Вяткин мақбарада қазилар ишларини олиб боради. Муҳандис М. М. Логинов эса мақбара бурчак устунларини қисман мустаҳкамлайди. 1928-1930 йилларда Сомонийлар мақбарасини ўрганиш ишлари П.С. Касаткин ва Н.М. Бачинский томонидан амалга оширилади. Сомонийлар мақбараси 1925 йил 4 майда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитаси қарорида қайд этилган. 1926 йилда Б.Н.Засипкин ҳам ушбу ёдгорликни тилга олиб ўтади [17].

Сомонийлар мақбарасининг биринчи тавсифи Б.П. Денике томонидан берилган. У 1927 йилда нашр этган Ўрта Осиё санъатига оид тадқиқотида мақбаранинг ташқи ва ички кўриниши фотосуратларини беради ва мақбарани қурилиш тарихи бўйича маълумот беради [18]. М.Ю.Саиджанов эса 1927 йилда босилган ўзбек тилидаги мақоласида

сомонийлар мақбарасига оид вақф ҳужжатларидаги маълумотларни келтиради [19].

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Бухорода ўтказилган археологик тадқиқотларда В.В. Бартольд, Н.Ф.Ситняковский, Р.Пампелли, А.А.Зимин каби тадқиқотчилар фаол қатнашдилар. Бу даврда Туркистон археологияси бўйича етарли даражада қадимги моддий маданият намуналари йиғилган бўлсада, лекин уни даврлаштириш, "хронологик шкала"ларини яратиш ишида катта муаммолар мавжуд эди. Археологик ашёларни даврлаштириш тахминий асосда, содда усулда, кенг даврий саналар билан белгиланар, хусусан,

топилмалар, асосан мусулмонликкача (домусульманский), мўғулларгача (домонгольский), темурийлар даврига оид (тимуридский) каби атамалар билан аталиб, шу тарзда ёдгорликларнинг даврий санаси қайд қилинган.

Бу даврда ўтказилаётган археологик қазув тадқиқотларининг илмий натижаларини ўлка қадим тарихини ўрганишга, уни тўлдиришга йўналтириш махсус муаммо сифатида қўйилмаган. Зеро, тадқиқотчилар археологик қазув ишларида тарихий ёзма манбалар маълумотларидан кенг фойдаланган бўлсаларда, бунга катта аҳамият беришмаган.

АДАБИЁТЛАР:

1. ПТКЛА. год III, -Ташкент,1897-1898.-С.89-94. См.также отзки о работах Н.Ф.Ситняковского (там же, стр.135). К цитировавшейся уже нами работе Н.Ф.Ситняковского «Заметки о бухарской части долины Зеравшана» приложен ценный список арыков и населенных пунктов.; Шишкин В.А. Варахша. -М.,1963.-С.14.
2. Лыкошин Н. С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Клуба любителей археологии. -Ташкент,1896.-С.48.
3. Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана,Известия Туркестанского отдела русского географического общества, т. I, вып. 2. -Ташкент,1900.- С.130.
4. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. -Ташкент,1988.-С.4.
5. Pumpell R.Explorations in Turkestan. -Washington,1905. -P.10.
6. Шишкин В.А. Варахша.-М.,1963.-С.15.; Зимин Л.А. Развалины старого Пайкенда в их современном состоянии. ПТКЛА. Год 18. Вып. 2.-Ташкент,1914; Отчет о весенних раскопках в развалинах старого Пайкенда. ПТКЛА. Год 19. Вып. 2. -Ташкент,1915.
7. Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента//Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год восемнадцатый (11 декабр 1912г.–11 декабр 1913 г.) Протокол №4, 30 апрел 1913 г. -Ташкент,1913а.-С.87.
8. Кличев О.А.Пойкентнинг илк изланишлари тарихидан (Л.А. Зимин тадқиқотлари ва расмий ёзишмалари асосида).O'zbekiston arxeologiyasi. № 2 (13). 2016. 83-91 бетлар.
9. Зимин Л. А. Отчёты о весенних раскопках в развалинах Старого Пайкенда // Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год двадцатый (11 декабря 1914 г. - 11 декабря 1915 г.). -Ташкент. 1915б.-С. 87.
10. Кличев О.А. Пойкентнинг илк изланишлари тарихидан (Л.А. Зимин тадқиқотлари ва расмий ёзишмалари асосида).O'zbekiston arxeologiyasi. № 2 (13). 2016. 83-91 бетлар.
11. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. -Тошкент,1981.-С.12.
12. Тўраев Ҳ.Академик В. В. Бартольд ижодида Бухоро тарихи. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчиминг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива.-Тошкент,1997. -Б.109.
13. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. -Тошкент,1981.-С.13-14.
14. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи.-Тошкент,1981.-С.15.
15. ШишкинВ.А. Из опыта работы Бухкомстариса. по охране памятников материальной культуры (1925–1933).Проблемы истории докапиталистических обществ. ГАИМК. 1934. № 11–12; Его же. Архитектурные памятники Бухары.-Ташкент,1936; Его же. Из наблюдений на новостройках Бухары. Известия УзФАН СССР, 1940. № 7, Его же. Археологические работы в мечети Магоки-Аттари в Бухаре. Труды Института истории и археологии АН УзССР, вып. VII. –Ташкент,1959.-С.29-60.
16. Обследование архитектурных памятников Бухары (профессором М. Я. Гинзбургом). «Туркестанская правда». № 240.1924. -С. 2. Всего он изучил 32 архитектурных памятников.
17. Рукопись В. А. Вяткина на 48 стр., написанная в 1931 г. и озаглавленная «Мавзолей Амнра Исмаила в Бухаре X века, хранится в Управлении архитектуры УзССР (Узкомстарис..Ns 125);Умняков И. И. Охрана памятников старины и искусств в советском законодательстве Средней Азии. Известия Среднекомстариса. Вып. I, -Ташкент,1926.-С. 48; Засыпкии Б. Н.Памятники архитектуры Средней Азии и их реставрация. Вопросы реставрации, Т. I. -М., 1926.-С.153.
18. Денике Б. Искусство Средней Азии. -М. 1927.-С. 11-13. илл. I-2.
19. СаиджановМ. Ю. Бухоро шаҳри ва барча қадимий бинолари. Журнал «Маориф ва ўқитувчи». 1927. № 9.